

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ  
“МУСИҚИЙ ПЕДАГОГИКА” КАФЕДРАСИ

# Малакавий иш

Мавзу:

**БОШЛАНГИЧ СИНОФ МУСИҚА ДАРСЛАРИДА МУСИҚИЙ  
ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ**

Тингловчи:

**Қаюмова Дилрабо Азизллаевна**

**Илмий раҳбар:**

**п.ф.н., доцент в.б. М.М.Ахмедов**

**ТОШКЕТ - 2014**

## **РЕЖА**

### **КИРИШ**

**I БОБ. Бошланғич синфларда мусиқа маданияти дарсларининг ўзига хос хусусиятлари**

**1.1. Бошланғич синфларда мусиқа маданияти дарсларининг ижтимоий педагогик хусусиятлари**

**1.2. Бошланғич синф ўқувчиларини мусиқа санъати воситасида эстетик тарбиялашнинг моҳияти**

**II БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЭСТЕТИК МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**2.1. Бошланғич синф ўқувчиларининг психофизик хусусиятлари**

**2.2. Бошланғич синф ўқувчиларини мусиқа санъати воситасида эстетик тарбиялашнинг моҳияти**

### **УМУМИЙ ХУЛОСА**

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## КИРИШ

Мустақиллик шароитида халқнинг маънавий маданиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишлари давлатнинг муҳим сиёсати даражасига кўтарилган масалалардан бирига айланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ижросини таъминловчи инсонни тарбиялаш мураккаб жараён бўлиб, бу жараён алоҳида диққат-эътибор қаратишни талаб этади.

“Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси президенти

И.А. Каримов, - бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва маъсулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”.

Ўзбек халқи ҳам бошқа ҳамма халқлар каби ўзининг миллий мусиқа маданиятига эга. Бу маданият тобора ривожланмоқда ва бойимоқда. Унинг ўзига хослиги ортмоқда. Ўзбек мусиқа санъатининг тараққиёти барча халқлар санъати учун характерли бир-бирини тўлдириш жараёни билан боғлиқдир. Мусиқа маданиятларининг бир-бирини бойитиши ва ўзаро таъсири ўзбек мусиқасининг миллий, ўзига хос хусусиятларини инкор этмайди.

Ўзбек халқи мусиқа маданиятининг бойиш жараёни кўп қиррали ва мураккабдир. Масалан, ўзбек опера ва балетининг вужудга келиши Ўзбекистон мусиқа маданиятининг юксак даражага етганини ифодалайди. Ўзбекистонда санъатнинг мураккаб ва мужассам шакли бўлмиш опера ва балет пайдо бўлди. Халқ хаваскорлик тўғарақларининг вужудга келиши ва

уларда кўшиқ ҳамда рақслар билан ижро этиладиган мусиқали драма асарларининг қўйилиши Мусиқа ривожлана бошлаши учун хизмат қилди.'

Ўзбек мусиқа маданиятининг бойиш жараёни кўп қирралидир. Масалан, ўзбек халқининг мусиқа санъатида янги жанрлар: симфония, симфоник. поэма, оратория, кантата, романс, чолғу асбоблари концерти, эстрада кўшиқлари, сюита ва хоказолар вужудга келди. Мазкур янги жанрлардаги жуда кўп ажойиб асарлар Ўзбекистон бастакорлари томонидан ёзилди. Масалан, Мушелнпинг «Фарход қурилши», Левиенинг «Ёрқин йўл», «Оқ олтин», Ҳамраевнинг «Ўзбекистон» кантаталари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳозирги ўзбек мусиқа маданиятининг шакли ҳам, мазмуни ҳам бой ва кўп қирралидир. Ўзбек бастакорларининг асарлари; ўзида миллий, классик, халқ (оғзаки ижод) ва замонавий кўп овозли санъатни мужассамлаштирган.

Кўп овозлиликни жорий этиш ўзбек мусиқа маданиятининг ривожланиши учун муҳим бир туртки бўлди. Кўп овозлиликнинг жорий этилиши объектив бир зарурат эди. Чунки янги даврдаги улуғвор ўзгаришларни, ижтимоий-иқтисодий ўсиш миқёсларини, халқнинг буюк жасорати ва матонатини бир овозли жанрнинг мусиқий воситалари билан ифодалаб бўлмасди. Ўзбек мусиқасининг тарихий ишларни, давр тароватини ифодалай оладиган кўп овозлиликка ўтиши тўла қонунийдир.

Ўрта Осиё халқлари мусиқасида пайдо бўлган барча янги нарсаларни номиллий, ёт нарсалар, деб ҳисоблайдилар. Бундай фикр юритишнинг мантиқсизлиги аёндир.

Ўзбекистонда этнографик характердаги мусиқий оғзаки ижод жадал ривожланмоқда. Бу ижод халқ, ижодиёти эркинлигининг натижасидир. Ҳозир уни мусиқашунослар ўрганмоқдалар. Энг яхши оғзаки ижод асарлари албатта ўзбек халқининг мусиқа маданиятини бойитади.

Ўзбек халқининг ҳозирги мусиқа маданияти ўзида замонавий профессионал санъатни, ўтмишнинг мусиқа меросини, ҳозирги мусиқа оғзаки ижодини таркибий равишда бирлаштиради.

Мазкур элементлар Ўзбекистон бастакорларининг асарларида ўзининг таркибий ифодасини топмоқда. Бинобарин, ўзбек халқининг мусиқа маданияти ўзида миллийлик ва янгича мазмунни уйғунлаштириб муваффақиятли ривожланмоқда.

## **I БОБ. Бошланғич синфларда мусиқа маданияти дарсларининг ўзига хос хусусиятлари**

### **1.1. Бошланғич синфларда мусиқа маданияти дарсларининг ижтимоий педагогик хусусиятлари**

“Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий масала қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омилларидан бири бўлиб хизмат қилади”. Шу маънода Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий асарларида ифодаланган шарқона маънавият асосларидан фойдаланиш хусусан, уларнинг мусиқа ва унинг тарбиявий аҳамиятга оид таълимотлари, ғоялари ва қарашларидан замонавий талқинда фойдаланиш ўқувчилар тафаккурида миллий мусиқага оид тушунчаларни шакллантиришда муҳим манба вазифасини ўтайди.

Шу ўринда Абу Наср Форобийнинг мусиқа ҳақидаги фикрлари эътиборга лойиқдир. Форобий мусиқани тарбиявий фан деб атади ва унинг аҳамияти ҳақида шундай дейди: “Бу фан шу маънода фойдалики, кимнинг феъл-атвори мувозанатни йўқотган бўлса, тартибга келтиради, камол топмаганларни камолга етказди ва мувозанатда бўлмаганларнинг мувозанатини сақлайди. Бу таннинг соғлиги учун ҳам фойдалидир, чунки тан

касалга учраса, рух ҳам сўлийди, ожизлашади, тан қийинчиликка учраса, рух ҳам азобга учрайди. Шу сабабли таннинг даволаниши рухни даволаш орқали амалга оширилади, овозларнинг таъсири остида рухий қувватлар ўз субстанциясига мослашади ва тартибга, мувозанатга келади”.

Ўқувчилар онгига мусиқа орқали энг яхши инсоний фазилатларини сингдириш ва уларни соғлом бўлиб вояга етишлари тўғрисида Абу Али ибн Синонинг фикрлари диққатга сазовордир. У “Донишнома” асарида илмларни тасниф қилиб, илм ўрганиш йўллари босқичларга бўлиб кўрсатади. Илмга эришишнинг энг асосий йўли болаларни ёшлиқдан бошлаб таълим-тарбия таъсири остига олишдир. Шунинг учун ибн Сино болани олти ёшдан бошлаб муаллим ихтиёрига топширилиши, таълим аста-секинлик билан берилиши кераклиги, бирданига болани китобга боғлаб қўймаслик лозим эканлигини айтади. Ибн Синонинг бу тавсиялари бугунги кунда мусиқа санъатини мактабдан ташқари муассасалар тўғарақларида нафақат мусиқий таълим ва тарбия манбаи сифатида, балки унда миллий рух, демакки миллий ғояни англаш воситаси сифатида ўрганилиши педагогик самараси кафолатланган омил бўлиши мумкин.

Мусиқа маданияти миллатимиз маънавий ҳаётида улкан ўринни эгаллаган. Бу ҳақда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг куйидаги сўзлари эътиборлидир: “Аҳли нағмадин қонунни Хўжа Абдулло Марворича киши чалмас эди, нечунким мазкур бўлди. Яна қул Муҳаммад Удий эди, ғижжакни ҳам хўб чалур эди, ғижжакка бу уч қил тақди. Аҳли нағмадин ва аҳли создин ҳеч ким мунча кўп ва хўп пешрав боғлағон эмастур. Пешравдин ўзга ишларда мунча эмастур. Яна Шайхий Нойи эди, удни ва ғижжакни ҳам хўб чалур экантур”.

Алишер Навоий тарбия орқали ўқувчиларни ҳар жиҳатдан мукамал этиб ривожлантириш мумкинлигини айтиб ўтади. Ўқувчи ёшлиқдан тарбия таъсирига олинмаса, йигитлик даврида ҳам ёмон йўлга тушиб кетиши мумкин:

Туфулият ўтгач ки бўлди шабоб,  
Ҳирад нури солди думоқ ичра тоб.

Кишининг бу вақт иккидур ҳолати,  
Эрур ақли ё нафсининг қуввати.  
Агар ақлига қувват ўлди фузун,  
Бўлур яхши ишлар сори раҳнамун.

Ана шунинг учун ҳам болаларни жуда кичик ёшидан бошлаб тарбияламоқ даркор.

Бошланғич синф ўқувчиларини муסיқа воситасида эстетик тарбиялашда, янги инсонни камол топтиришда адабиёт ва санъат муҳим роль ўйнайди.

Ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги босқичида тарбия ниҳоятда муҳим масаладир. Бу масала ҳозирги иккита бошқа вазифа билан диалектик боғлиқ, бўлиб, мазкур, вазифалар жамиятимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кишилар ўртасида янги ижтимоий муносабатларни таркиб топтиришдир.

Тарбиялаш деганда ҳар томонлама етук — ўзида ахлоқий поклик, маънавий бойлик ва жисмоний баркамолликни мужассамлаштирган инсонни етиштириш назарда тутилади. Тарбиявий вазифалар орасида кишиларда эстетик дид ва эҳтиёжларни шакллантириш катта роль ўйнайди. Эстетик тарбия тизимида санъат етакчи ўринда туради. Ҳозирга қадар эстетик тарбиянинг мазмуни ҳамда вазифалари турлича талқин қилиб келинган. Кўпчилик олимлар ва тарбиячи амалиётчилар эстетик тарбияга бадий идрок, дид ва эҳтиёжларни таркиб топтириш воситалари, шакллари ҳамда усулларининг тизими сифатида қарайдилар. Бу эса эстетик тарбиянинг шахсида фақат бадий жиҳатларни таркиб топтиришга қаратилган бир томонлама мазмунини ифодалайди. Эстетик тарбияни бундай тушуниш кўнгилсиз натижалар бериши мумкин. Яъни биз сўзнинг тор маъносида бошқача айтганда бадий шаклларни яхши биладиган, ташқи гўзалликни идрок этадиган, лекин маънавий жиҳатдан қашшоқ, ҳаётдаги хатти-ҳаракатлардаги ҳамда санъат асарларининг мазмунидаги гўзаллик ва хунукликни кўрмайдиган ҳамда англамайдиган кишиларни етиштиришимиз

мумкин. «Эстетикага бсрилган» мана шундай кишилар дид билан ораста кийинишлари, унларини чиройли қилиб безашлари, санъатнинг айрим турларини билишлари мумкин. Шунингдек, улар шаклни, ташқи гўзалликни анча тўғри баҳолай оладилар. Аммо кўпинча санъатнинг мазмунига, ҳаётдаги бемаъниликка лоқайд қарайдилар.

## **1.2. Бошланғич синф ўқувчиларини муסיқа санъати воситасида эстетик тарбиялашнинг моҳияти**

Истиқлолимизга, Ватанимизга, халқимизга, ёрқин Истиқболимизга эътиқод ҳисларини ўстириш, ижтимоий ҳаётимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларга урғу бериш, ҳамюртларимизга, ўқувчи-ёшларда истиқлол ғояларига эҳтиром ва садоқат руҳини янада чуқурроқ сингдириш борасида байрамларни юқори савиядаги тайёргарлик билан ўтказишнинг аҳамияти катта.

Байрам – кишилик ҳаётида ўзгача кун, бошқа оддий кунлардан фарқ қилувчи, ўзига хос сайқалланган, ўз қоидаларига эга бўлган, инсонни ўз кайфиятига олиб кирувчи тетик ҳолатдир. Байрамда кишилар ўз-ўзидан хурсанд, куй-кўшиққа мойил, кўтарингки руҳда бир бирига меҳрибон ва шириш сўз бўладилар. Байрамларнинг янада характерли жиҳати шундаки, - инсон психологик жиҳатдан шу кунни тантанали ўтказиши шарт, байрам анъаналарини адо этиш учун зарур деб ҳисоблайди.

Мисол тариқасида. Қадим-қадимдан нишаоланиб келинаётган Наврўз тантаналарини олайлик. Бу айёмга қатнашиш, унинг удумларини бажаришни барча ёшу-қари ўзига ҳам қарз, ҳам фарз билишади. Халқимизнинг миллий таоми сумалакни баҳор айёмида истеъмол қилмайдиган кишини учратиш қийин.


Байрамлар халқларнинг кўп асрлар мобайнида сайқалланган яхши анъаналари, одатлари, ахлоқий қоидалари кабиларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда акс эттиради ва ўқувчиларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Байрамларда ифодаланган ғоявий руҳий кўтаринкилик кишиларни эртанги кунига яхши умидлар боғлаш, порлоқ келажакка ишонч билан қараш, ҳаётни янада гўзал ҳис этишга ундайди ва кўтаринки руҳ уйғотиш учун хизмат қилади.



Хусусан, миллий ва анъанавий урф-одатлар муносабати билан ўтказиладиган маросимларнинг тарбиявий аҳамияти бекиёсдир. Тўй маросимлардаги халқ удумлари, катталарга ҳурмат, анъаналардан фойдаланиш ёшлар ўртасида ижобий ҳислатларни шакллантиради.

Мустақиллик шарофати билан ўзбекларнинг кўплаб анъанавий байрамлари қайта тикланиб, бошқача бир кўтаринкилик руҳида нишонланиш одат тусига кирди.

**Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонда қуйидаги байрамлар расман тан олинган:**



Ушбу байрамларни кенг кўламда нишонланиши ўқувчиларда:

- *Миллий бирдамлик*
- *Миллий кўтаринкилик*
- *Миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги*
- *Юртга садоқат*
- *Ватанпарварлик*
- *Фидойилик*
- *Меҳр-муҳаббат*
- *Ўзаро ҳурмат, инсоний эҳтиром ва қадр-қиммат*
- *Урф-одатлар, анъаналарни эъзозлаш*
- *Тарихий хотира*

кабиларни шакллантиради.

Ушбу байрамларнинг тарихи, ривожланиши ва бугунги моҳияти ўзига хослиги билан ажралиб туради. Миллий байрамларимиз ўқувчиларни ўлмас анъаналар ва бой мерослардан баҳраманд этиб, улуғворлик руҳида тарбияласа, Мустақиллик ва Конституция кунларини нишонлашда ўқувчилар ва барча ўзбек кишиси қалбида ғурур, келажакка ишонч ва фахр туйғуси ифодаланади.



Эстетикани чинакам тушунадиган кишиларни камол топтириш учун эстетик тарбияга бошқача ёндашиш зарур. Эстетик тарбиянинг мазмуни ва вазифаларини ифодалашда ҳамда белгилашда эстетик тарбия маънавий тарбиянинг муҳим қисми эканини, унга таркибий боғлиқлигини ва ана шу тарбиядан келиб чиққанлигини ҳисобга олиш керак.

Эстетика фақат табиатдаги ва санътадаги гўзалликни эмас, балки умуман ҳаётдаги ва жамиятдаги гўзалликлар тўғрисидаги фандир. Эстетик тарбия чинакам гўзалликка мухаббатни шакллантириши, бемазагарчиликка, бемаъниликка нисбатан нафрат уйғотиши, гўзаллик яратишга интилишни ва гўзаллик ярата олиш куникмасини, санъат ҳамда ҳаётдаги хунукликларга қарши курашиш иқтидорини таркиб топтириши лозим. Мана шу мураккаб

вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун ҳақиқий эстетик (соф бадий) тарбия билан маънавий тарбия ўзаро диалектик боғланиши шарт. Эстетик тарбия маънавий масалалар билан йўғрилиши керак. Санъатни ва ҳаётни эстетик жиҳатдан тўғри идрок этишнинг ўзиёқ шахсни маънавий юксалтирадиган ва бойитадиган восита эканини унутмаслик лозим. Эстетикликни маънавийликдан ажратиш мумкин эмас. Бинобарин ҳар қандай шакл муайян мазмуннинг инъикоси бўлиб, санъатнинг исталган тури ҳаётни энг аввало, унинг ижтимоий, маънавий нормаларини акс эттиради. Эстетиклик воқеликнинг ҳамма соҳаларида намоён бўлади. Булар кишининг санъатга эстетик муносабати, эстетик ҳиссиёти, табиатдаги, санъатдаги, меҳнатдаги, одамларнинг хатти-ҳаракатидаги, ҳаётий воқеалардаги эстетиклик ва хоказолардан иборатдир. Ҳар қандай нарса ёки воқеани эстетик баҳолай олиш шахснинг ажралмас сифатидир. Аммо мана шу баҳолашнинг характерини, унинг объективлигини кишининг эстетик тарбияланганлик даражаси белгилайди.

Ҳар қандай расмана инсонда воқеликка табиатан эстетик муносабат бўлади. Инсон нарса ва ҳодисаларни сезги органлари орқали идрок этар экан, улардан беихтиёр эстетик таъсирланади ва уларни муайян тарзда баҳолайди. Лекин ана шу таъсирланиш ва баҳолашнинг қандайлиги ҳам инсон эстетик жиҳатдан қанчалик тарбияланганига боғлиқ бўлади.

Демак, воқеликни эстетик идрок этишда эстетик тарбия ҳал қилувчи роль ўйнайди. Эстетик идрок ҳиссиётларга, сезгиларга асосланади. Хусусан сези органлари эстетикликни ўзига хос йўсинда қабул қилади. Теварак оламдаги идрок этилаётган нарсалар ва ҳодисаларни сезги органлари қайта ишлайди ва таассурот ҳосил қилади. Аммо идрок этилган нарса ва ҳодисаларни эстетик баҳолаш ақл, онг, инсонда таркиб топган эстетик ҳамда маънавий нормалар таъсирида амалга ошади. Эстетик ва аънавий қарашлар тарихий ҳамда синфий характерга эга. Ана шу жиҳатдан Н. Г. Чернишевский ўзининг докторлик диссертациясида келтирган бир мисол қизиқарлидир. Унинг ёзишича, оқсуяк дворянлар жамиятида бели ингичка, елкаларн ихчам,

юзи рангпар, қарашлари қарашмали, кўл ва оёқлари нозик аёл умуман аёллар гўзаллигининг тимсоли ҳисобланади. Борди-ю ана шу оқсуяк гўзални деҳқонлар кўрсалар, унга худди касалга дуч келгандек, ачиниб ҳамдардлик билан қарайдилар. Деҳқонлар назарида баланд бўйли, соғлом, кучли ва юзлари қипқизил аёл гўзалдир.

Мана, шу мисол эстетик қарашлар, нормалар ва баҳолашнинг синфий ҳаректерини яққол ифодалайди.

Дарҳақиқат, дворянлар жисмоний меҳнат қилишмаган. Аристократлар жамиятидаги аёлларнинг ҳаёти байрамона, бекорчи кўнгилхушликлар билан ўтган. Ана шундай ҳаётнинг самараси сифатида аёллар гўзаллигининг тимсоли авлоддан-авлодга ўтиб келган. Деҳқонлар эса меҳнат қилишган, улар орасидаги аёлларнинг, қисмати ҳам қийин бўлган. Улар уйда ҳам, далада ҳам ишлашган, она бўлишган. Деҳқонлар орасидаги аёллар гўзаллигининг тимсоли ҳам ана шундан вужудга келган.

## **II БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЭСТЕТИК МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

### **2.1. Бошланғич синф ўқувчиларининг психофизик хусусиятлари**

Маълумки, воқеликка эстетик муносабат тарихий ва ижтимоий зарурат ҳисобланади ва бу қоида мутлақо шубҳасиздир. Чунки уни ҳаётнинг ўзи тасдиқлайди. Инсоннинг дунёга эстетик муносабати тўғри ва нотўғри бўлиши мумкин. Ҳар қандай нарсани тўғри идрок этиш ва эстетик жиҳатдан тўғри баҳолаш учун аввало нормал сезги органлари ва умуман нормал психика бўлиши шарт. Масалан, кўр одам табиатнинг гўзаллигини, рассомнинг манзарасини эстетик идрок эта олмайди, руҳий касал одам эса объектив воқеликни нотўғри идрок этади ва шунга кўра унинг дунёга эстетик муносабати ҳам росмана бўлиши мумкин эмас. Лекин шахснинг психофизик хусусиятлари, унинг сезги органлари дунёга тўғри эстетик муносабатнинг ягона манбаи бўла оладими? Бу саволга биз рад жавобини берамиз. Масалан, кўр ва қар О. И. Скороходова ўзининг «Мен ташқи олам билан

қандай алоқа қиламан» деб номланган китобида ёзишича, унда пайпаслаб, хидлаб кўриб ва титрашни сезиш жуда ривожлангани сабабли у воқеликни, хайкалларни, мусикани идрок этган, бадий адабиёт асарларини ўқиган. Буюк бастакор Бетховен ажойиб мусиқа яратган ва уни, ҳатто, бахтсизликка учраган, яъни деярли мутлақо қар бўлиб қолганида ҳам идрок этган. Мана шу иккита мисол сезги органлари дунёга тўғри эстетик муносабатнинг ягона омили эмаслигидан далолат беради.

Буни бошқа фактлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, мутлақо росмана сезги органларига эга бўлган баъзи кишиларнинг эстетик диди бузилган, дунёга эстетик муносабати нотўғри бўлади ва улар хунук нарсаларни гўзал, чиройли нарсалар сифатида идрок этадилар. Демак, дунёга тўғри эстетик муносабат фақат сезги органларининг ҳолати билан эмас, балки кўпинча кишининг онги ва дунёқараши билан белгиланади.

Шахсни воқеликка эстетик муносабати ижтимоий муносабатлар ҳамда мақсадга мувофиқ тарбия таъсирида шаклланади. Воқеликка росмана эстетик муносабат нарса ва ходисаларни сезиб идрок этишни ҳам, ижтимоий мазмунни ва уларнинг инсон онги ҳамда маънавий нормалари билан белгиланадиган ижтимоий баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Эстетик идрок ва эстетик баҳолашда сезгилар, фикрлаш ва ирода, шахсий ва ижтимоий нарслар қўшилиб кетади.

Санъатнинг мақсади инсонда дунёга ғоявий-ҳиссий эстетик муносабатни тарбиялашдир. Бизнингча, эстетиканинг предмети ва объекти фақат санъат ҳамда унинг инсонга таъсири эмас, балки шулар билан бирга бутун воқелик, ҳаёт, меҳнат ва инсонинг мураккаб руҳий соҳасидир. Санъатга ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ. ҳолда қараш лозим. Жамиятда фан-техниканинг ривожланиши санъатнинг ривожлаишига тўсқинлик қилмайди, балки, аксинча, уни ривожлантиради ва шунинг натижасида турмушнинг, фан; техника ва санъатнинг ҳамма соҳалари бир бутун ҳолга келади.

Ўқувчиларнинг эстетик камол топиши ва эстетик ижоди кенг халқ, оммасининг ютуғидир. Эстетик қадриятларнинг ҳамма боплиги ва уларни

яратишда қатнашиш имкониятларининг мавжудлиги ҳар бир киши учун гўзаллик оламига йул очади. Ҳозирги кунда моддий ва маънавий бойликлар яратишда қатнашаётган барча кишиларда ижодий қобилиятларни ўстириш ғоят муҳим вазифадир.

Санъат жамиятнинг ривожланиш даражасига боғлиқ, ва унинг ўзи ҳам ижтимоий тараққиётнинг характери ҳамда суръатига фаол таъсир этади. Санъат ва адабиёт кишиларни ғоявий жиҳатдан тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Санъат ижтимоий ҳаётда, мафкуравий курашда доимо катта ўрин тутган ва шундай ўрин тутди.

Онгнинг ҳамма шакллари ва шу жумладан, бадиий онг ҳам ўзаро диалектик борлиқдир. Мана шу ҳолни ҳисобга олмай туриб бадиий ижодни ва унинг жамият тараққиётидаги ролини объектив ўрганиш мумкин эмас.

Юқоридагиларнинг ҳаммасини назарда тутган ҳолда таъкидлаш лозимки, эстетик тарбия тизимини яратишда санъат ҳаётнинг барча томонлари билан боғлиқлигини ҳисобга олиш зарур. Бинобарин санъат фақат эстетик ҳодиса эмас, балки ғоявий ҳодиса ҳамдир. Шунга кўра эстетика тарбиянинг муҳим қуролидир. Санъат ижтимоий воқеликни акс эттиради, уни муайян даражада ғоявий баҳолайди, кишиларни турлича идрок қилишга, воқеликдаги ҳар хил факт ва ҳодисаларни баҳолашга йўналтиради. Мана шуларнинг ҳаммаси санъатнинг ғоявий вазифаларини белгилайди.

Санъат халқнинг чинакам қизиқиши ҳамда интилишини ифодалайди ва шунинг ўзиёқ, санъатнинг ривожланишидаги ҳал қилувчи омилдир. Ҳозирги кунимизда эстетика санъатнинг умумий назариясигина эмас, балки инсон гўзаллик қонунлари бўйича воқеликни, кишилар ҳаётининг фаолиятининг ва жамиятнинг барча соҳаларини ўрганиши ҳақидаги фан ҳисобланади. Шунинг учун. ҳам эндиликда эстетик тарбия фақат бадиий тарбиядан иборат бўлиб қолиши мумкин эмас.

Бадиий ва эстетик тарбияни фарқламаслик инсоннинг эстетик, камол топишига тўсқинлик қилади, эстетик тарбиянинг таъсир доирасини

торайтиради.

Биз эстетик тарбия деганда, фақат соф бадий дидни эмас, балки шу билан бирга инсон ҳаётий фаолиятининг ҳамма соҳаларини ўз ичига олган эстетик нормаларни шакллантиришни ҳам тушунамиз. Шунинг учун эстетик тарбиянинг воситалари фақат адабиёт эмас, балки бутун воқеликдан: табиат, меҳнат, ижтимоий ҳаёт, маънавий муносабатлар, инсоннинг табиатга таъсири ва турмушдан ҳам иборатдир.

Эстетик тарбиянинг жуда кўп воситалари орасида санъат ғоят муҳим роль ўйнайди ва бунинг сабабини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

1. Санъат воқеликнинг эстетик инъикосидир. Ҳар қандай санъат асарида объектив воқеликнинг бирор томонини эстетик ва маънавий жиҳатдан баҳолаш яққол ёки яширин ҳолда мавжуд бўлади.

2. Санъат ўз табиатига кўра эмоционалдир ва шунинг учун у ўқувчилар ҳиссиётига таъсир кўрсатиб, уларда ҳамдардликни, муайян эмоционал-баҳолаш таассуротини пайдо қилади.

3. Санъат-маданиятнинг кенг оммада жонли қизиқиш уйғотадиган соҳасидир.

4. Бизнинг жамиятда фақат халқнинг маданий савияси ошганлиги учун эмас, балки техниканинг, хусусан кино, радио ва телевидениенинг ривожланиши шарофати билан ҳам санъат барчага баравардир. Ҳозир санъат билан деярли ҳар куни мулоқотда бўлмайдиган оилаларимиз йўқ.

5. Санъат билан боғланиш инсонинг маънавий дунёсини бойитади, унда гўзаллик қонунлари бўйича яшаш иштиёқини уйғотади.

Қуйидаги эстетик тарбиянинг воситаларидан бири бўлмиш ашула (вокал) санъати ҳақида тўхталамиз. Ашула айтиш санъатнинг алоҳида, ўзига хос бир туридир. Ана шу ўзига хослик қўшиқда мусиқа, куй, шеърий асар ҳамда ашула ижрочилиги таркибий равишда қўшилиб кетишида ўз ифодасини топади. Мусиқанинг эстетик тарбиядаги роли фалсафа, мусиқашунослик ва педагогикага доир адабиётларда етарлича ёритилган.

Аммо ашула санъатининг шахсни шакллантиришдаги роли ҳалигача илмий ёритилмаган. Бунинг сабаби, биз-нингча, ашула санъати структурасининг мураккаблиги ва унинг инсонга, инсон онгига таъсирининг кўп қирралилигидадир. Бу ушбу ишимизда мазкур нуқсонни тўлдиришга, яъни ашула санъатининг тарбиявий жиҳатларини ва унинг янги инсонни камол топтиришдаги ролни ёритишга ҳаракат қилдик.

Муסיқа инсоннинг онги ва маънавий дунёсига катта таъсир кўрсатади. Худди шу сабабли у инсон учун маънавий гўзалликнинг, қалби покликнинг катта манбаи бўлиши ҳам, уни кўрсликка одатлантириши, умидсизликка солиши, бағритош ва худбин қилиб қуйиши ҳам мумкин. Буларнинг ҳаммаси инсон қандай муסיқани тинглашига ва унинг моҳиятини қанчалик тўғри баҳолашига боғлиқдир.

Машҳур муסיқачи педагог Д. Кобалевский шундай деган эди: «Санъат инсонни ўзига жалб этиш ёки фақат унинг кўнглини чоғ қилиш қобилиятига эга. Қизиқиш чуқур фикрлаш ва чуқур ҳиссиётлар билан юзага келади. Кўнгил очиш эса ҳар қандай йўл билан, арзимаган иш билан амалга ошиши мумкин, бунинг учун одам фақат банд бўлса ва унинг асаблари тинчланса, бас. Чинакам санъат модалар таъсирида бузилмайди, у асрлар давомида яшайди ва инсониятнинг маънавий дунёсини бойитади, ўз эскирмайди. Кўнгилочар муסיқа эса одатда ўткинчи модаларнинг беқарор қонунларига бўйсунди. Энг муваффақиятли эстрада кўшиқлари ҳам бир йилча, бир неча ой, ҳатто, бир неча ҳафтагина яшайди. Кўнгилочар асарлар дарров меъдага тегади, ўз жозибасини йўқотади на янада қизиқарлироқ нарсага эҳтиёж туғдиради, кейин ундан ҳам қизиқарли нарсага интилиш пайдо бўлади ва бу ҳол чексиз давом этаверади». Д. Кобалевский муסיқа тарбияси бўйича Халқаро жамиятнинг IX конференцияси қатнашчиларига мурожаат қилиб қуйидагиларни таъкидлаган эди. Ёшларнинг вақтини чоғ қилинг, лекин уларни бўғманг, маънавий дунёсини ўғирламанг, уларни ўтмишдаги ва ҳозирги буюк санъати билан мулоқатда бўлиш қувончидан маҳрум қилманг. Ёшларни буюк кишилардан ўрганишга одатлантиринг. Уларга ҳар



қандай асар жанри ва шаклидан қатъи назар, доимо юксак даражадаги эстетик дидга мос бўлиши кераклигини, эстетик асос ўзида фақат бадиийликни эмас, балки ғоявийлик ва маънавийликни ҳам мужассамлантиришини тушунтиринг».

## **2.2. Бошланғич синф ўқувчиларини муסיқа воситасида эстетик тарбиялаш методлари**

Ҳозирги кунда муסיқа ва умуман санъатнинг инсонни тарбиялашдаги роли ортиб бормоқда. Бинобарин фанларнинг табақаланиши, ҳар бир кишининг ихтисослашуви унинг маънавий дунёсини қашшоқлаштириб қўйиши мумкин. Шунинг учун санъат, хусусан муסיқа шахснинг маънавий бойлигини, дунёни идрок этишининг яхлитлигини такрорланмаслиги ва уйғуғлигини сақлаб қолишида ёрдам беради. Муסיқа фақат ўрганиладиган предмет эмас, балки шу билан бирга ахлоқий ҳамда эстетик тарбиянинг амалий воситасидир.

Маълумки, ҳар бир ҳалқ юксак ахлоқий ва эстетик идеалларнинг яратувчиси ҳамда давомчиси ҳисобланади. Ўқувчиларни тарбиялашда ўзбек ҳалқ муסיқа маданиятидан фойдаланиш муаммосини ҳал қилиш ғоят муҳимдир. Бинобарин ёш авлодни ҳалқ муסיқаси воситалари орқали тарбиялашнинг асосий принциплари ҳамма вақт ҳам зарурдир. Мана шу принципларнинг муҳим жиҳатлари ҳалқ муסיқаси асарларини танлаш, улардан ўқувчиларни ахлоқий ва эстетик тарбиялашда фойдаланишнинг шакл ва усулларини изчил белгилашдан иборатдир. Мазкур принципларни умумий йўсинда кўриб ўтамиз. Ҳалқ муסיқа маданияти асарларини танлашда ана шу асарларда ифодаланган ахлоқий ва эстетик ғояларнинг қанчалик муҳимлигини ҳисобга олиш лозим. Шу нуқтаи назардан инсонпарварлик, ватанпарварлик, байналминалчилик, фуқаролик, ахлоқий поклик ғоялари акс этган асарларни танлаш зарур. Бундай умуминсоний маънавий нормалар ҳалқ муסיқаси асарларида бадиий жиҳатдан мукамал шаклда ифодаланади. Хусусан юксак бадиий шаклнинг шунчалик юксак

маънавий фуқаролик мазмунга мослига ҳалқ асарларининг педагогик самарадорлигини таъминлайди. Асарларни танлаш принципи ҳалқ мусиқа маданияти воситаларн ёрдамида амалга ошадиган тарбия жараёни ижобий натижалар беришининг ниҳоятда муҳим омилдир.

Ўқувчиларни ахлоқий ва эстетик тарбиялашда ҳалқ мусиқа маданияти асарларидан фойдаланишнинг шакллари ашула тўғараклари ва ҳалқ чолғу асбоблари ансамбллари дир.

Илгари ўзбек ҳалқининг мусиқа маданиятида хор ижро этиш бўлмаган. Мусиқа маданиятида хор мавжуд бўлган ҳалқларда уни ёшларнинг ахлоқий ва эстетик тарбиясида ҳалқ мусиқасидан фойдаланишнинг шакллари дан бири сифатида қабул қилиш зарур. Бинобарин ҳалқ мусиқаси воситалари орқали тарбиялашнинг шакллари ҳар қайси ҳалқнинг мусиқа маданиятига хос хусусиятлар билан белгиланади.

Ўқувчиларни мусиқа санъати воситалари орқали ахлоқий ва эстетик тарбиялашда мазкур санъат турининг мураккаб структуравий комплекслигига хос хусусиятини ҳам назарда тутиш шарт.

Куй, мусиқа, кўшиқ матни, унинг ғоявий мазмуни ва бадий хусусиятлари, ижрочиларнинг маҳоратлари биргаликда ҳар қандай вокал мусиқий асарнинг, шу жумладан, ҳалқ мусиқасининг ҳам структурасининг комплекслигини ифодалайди. Ана шу комплекслик асарнинг кишига комплекс таъсир қилишини таъминлайди. Ашула санъатининг кучи ҳам мана шундадир. Ашула, мусиқа асари кишига ҳар томонлама таъсир кўрсатади: куй ва унинг мусиқий ифодаси кишининг ҳиссиётига таъсир қилиб, унда ҳар хил хисларни уйғотади, турлича кайфиятларни ҳосил қилади. Кўшиқнинг матни, ғоявий мазмуни фақат ҳиссиётга эмас, балки тингловчиларнинг онгига ҳам таъсир қилиб, уларни ҳаяжонлантиради ва фикрлашга мажбур этади. Тингловчи кўшиқни ёлғиз ҳиссиёти билан эмас, балки онги билан ҳам идрок қилади, чунки кўшиқнинг матни, унда ифодаланган ғоявий мазмун кўшиқда акс этган маънавий муаммоларга нисбатан муайян муносабат уйғотади. Бундай таъсир ғоят мураккаб ва кучлидир. Инсон яхши кўшиқни

маҳоратли ижрода тинглаганида унда кечинмалар вужудга келиши тасодифий ва бежиз эмас. Тингловчиларнинг кўшиқни қандай идрок этишлари, ундан қанчалик таъсирланишлари, шунингдек, асарнинг тингловчилар ҳиссиётига ва онгига таъсири мусиқа қандай янграшига, ашулачи кўшиқни қандай ижро этишига боғлиқдир. Ҳаётда ва педагогика амалиётида тасдиқланган мана шу мутлақо шаксиз қоидалардан қуйидагича шубҳасиз хулоса чиқариш мумкин: халқ ашула-мусиқа асарларининг тингловчиларга юқори даражада тарбиявий таъсир кўрсатишини таъминлаш учун тўғарак ёки ансамбль раҳбари мусиқачилар ва кўшиқчиларнинг юксак сифатли ижрочилигига эришмоғи керак. Бунга эса фақат мунтазам ва узок машқлар орқали эмас, балки шу билан бирга яхши, илҳом ва тўлқинланиб ижро этиш зарурлиги ҳақида махсус педагогик суҳбатлар ўтказиш орқали эришилади.

Ўқувчиларни ахлоқий ва эстетик тарбиялашда халқ мусиқа маданиятидан фойдаланиш зарурлигини яна шу билан изоҳлаш мумкинки, халқ тарихни ҳаракатлантирувчи кучдир, санъатнинг барча турларини, шу жумладан, мусиқа санъатини ҳам таъминлайдиган ҳаётдаги доноликнинг, ахлоқий пок-ликнинг жонли манбаидир. Шунга кўра маданият тарихида ҳар қандай санъат турига оид яхши асарлар, шу жумладан, мусиқа асарлари халқ ижодиёти асосида яратилгани бежиз эмас. Авлодларнинг ворислиги маданият, маънавийлик, фан ва санъат ривожланишининг энг муҳим субъектив омилларидан биридир.

Мусиқа ўқувчиларда инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий ифтихор, байналминалчилик, фуқаролик ҳис-туйғуларини тарбиялайди, санъат ва ҳаётни тўғри эстетик идрок этишни, меҳнатсеварликни таркиб топтиради. Бундан ташқари, мусиқа ўқувчиларда тўғри дид ва эҳтиёжларни шакллантиришида ёрдам беради ва шу туфайли «битлз», «рок», «поп» сингари йўлдан урадиган мусиқаларнинг зарарли таъсирига берилишларининг олдини олади.

Кейинги йилларда маданият ва санъатни ривожлантириш мақсадига

қаратилган анчагина қарорлар эълон қилинди ва бу ҳужжатларда маданий қурилишнинг кенг дастури белгиланди. Шунингдек, мазкур қарорларда маданият ва санъат ходимлари зиммасига масъулиятли вазифалар юкланди.

Умуман сўнгги йиллар ичида санъат ва унинг намояндалари олдида ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш, мусиқа маданиятини ҳам ўзида мужассамлаштирган маънавий маданият бойликларини яратиш бўйича ғоят муҳим масалалар вужудга келди.

Мусиқа, эстетик тарбия маданий ҳаётимизда тобора кенг ўрин олмоқда. Шунга кўра мусиқа маданиятини ривожлантиришга, меҳнаткашларни, хусусан ёшларни эстетик тарбиялашга жиддий эътибор берилиб, мусиқа санъати намояндалари зиммасига юксак бадиий асарлар яратиш вазифалари юкланмоқда ва улар анча муваффақиятли ҳал қилинмоқда. Ўзбекистонда мусиқа маданияти йил сайин ривож топмоқда. Ўзбек халқ мусиқа санъатининг тарихини ўрганмай туриб мусиқа маданияти ривожланишининг қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларини тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳар қандай халқнинг мусиқа маданияти жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти юксалиши ва ривожланишидан вужудга келади. У илгари яратилган барча бойликларга таяниб янги, юксак ютуқларга эришиб боради. Ўзбек халқининг санъатини ҳам алоҳида ҳолда эмас, балки умумий тарихий ривожланиш фонида таҳлил қилиш лозим. Ана шу тариқа умумий маданиятнинг таркибий қисми бўлмиш мусиқа маданиятининг моҳияти аниқланади.

Шарқ мамлакатларида «арабча», «негрча» деб аталадиган сохта «халқ мусиқалари» кўплаб яратилмоқда. Шунингдек, бошқа миллатларнинг услубларида яратилган мазкур бемаза мусиқалар чинакам халқ санъати билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас. Улар кишиларнинг бадиий дидига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатади, инсоннинг ҳақиқий гўзалликка интилишини йўқотади ва мусиқанинг ривожланиш йўлидаги жиддий ғов бўлади.

## Умумий хулоса

Ўзбек мусиқа маданияти кўп овозлилиқни қабул қилди. Бу ҳол бадий ҳаваскорлиқда ҳам ўзининг аксини топди. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида хор тўғараклари ташкил этилди ва улар муваффақиятли ишламоқда. Мазкур тўғаракларнинг чиқишлари халқ орасида кенг оммалашмоқда. Умуман айтганда, кун овозлилиқ ўзбек мусиқа маданияти заминиға мустаҳкам ўрнашди ва бутун республика бўйлаб илдиз отди.

Миллийлик ва байналмилаллик, уларнинг диалектик боғлиқлиғи, бир-биридан келиб чиқиши, таркибий равишда кўшилиши профессионал санъатға ҳам хосдир.

Санъатдаги миллийлик нималарда намоён бўлади?

Биринчидан, мусиқа ашула асарларининг мазмунида, уларнинг мавзусида, ғоявий мазмунида, эстетик йўналиши ва тарбиявий мақсадларида намоён бўлади.

Иккинчидан мусиқа-ашула асарларининг кўп шаклларидаги- уларнинг жанрларидаги, турларидаги ва интонация-экспрессив ифода воситаларидаги умумийликда намоён бўлади.

Ёшларни, шу жумладан, ўқувчиларни санъатға жалб этишнинг мақсадға мувофиқ, шаклларида бири, уларни маънавий ва эстетик тарбиялашнинг муҳим воситаси ашула тўғаракларидир. Маълумки, кўшиқ инсоннинг меҳнатдаги, йўлдаги, қувончли ва ғамгин дамларидаги, тантанали кунларидаги ва дам олиш вақтидаги доимий ҳамда энг яхши ҳамроҳидир.

Мактаб ўқувчилари ва ёшларнинг ашула тўғаракларида иштирок этишлари уларнинг мусиқа борасидаги фаолиятларининг бир туридир. Мактаблардаги ашула тўғараклари ўзига хос хусусиятларға эға бўлиб, катталарнинг бадий ҳаваскорлик жамоаларидан жиддий фарқланади. Бунда энг аввало шуни қайд қилиш лозимки, мазкур тўғарак ва жамоаларда қатнашувчиларнинг ўзлари бир-бирларидан фарқланадилар. Мактаб тўғараклари болалар, ўқувчилар, йигит ва қизлардан, яъни ўтиш, ўзгариш ёшидаги кишилардан ташкил топади. Бу ҳол уларға алоҳида сезгирлик ва

эътибор билан муносабатда бўлишни тақозо этади.

Мактаблардаги ашула тўгаракларига ашула айтиш қобилиятига ёки истеъдод нишонларига эга бўлган болалар қабул қилинади. Мана шу тўгаракларнинг раҳбарларига эса алоҳида маънавий вазифалар, жиддий масъулият юкланади. У тўгаракка болаларни тўғри танлашдан ташқари, уларни махсус дўхтир — лоринголог кўригидан ўтказишни ташкил қилиши, кейин эса ҳар бир ўқувчининг ашулачиликка қобилияти бор-йўқлигини, овозининг сифатини, кучи ва хусусиятларини, мусиқий идроки ҳамда ҳиссиётини яккама-якка тартибда текшириши, бунда педагогик муомалада бўлиши шарт. Тўгарак иши бошланишидан олдин унинг раҳбари тўгарак қатнашчиларини мусиқа-ашула санъатининг машҳур намояндалари билан таништириши, уларга мусиқа оламининг сирлари ҳақида, кўшиқларнинг кучи ва халқ ҳаётидаги роли ҳақида, кўшиқ кишиларни меҳнатга, курашга ва ижодга даъват эта олиши ҳақида қизиқарли ҳамда жонли йўсинда ҳикоя қилиб бериши зарур. Агар тўгарак раҳбарининг фикр доираси кенг ва унинг ўзи ташаббускор бўлса, ўзининг ишини яхши билса, ашулаларни яхши ижро эта олса, шубҳасизки, у ўз шогирдларининг қалбида мусиқага, ашулачилик санъатига чуқур ва самимий муҳаббат уйғога олади.

Яхши ашула инсонга ижобий таъсир кўрсатиб, унда ажойиб ҳиссиётларни, фикр-мулоҳазаларни, ёқимли кечинмаларни вужудга келтиради. Уни фидокорона меҳнатга илҳомлантиради, қийинчиликларни енгишга рағбатлантиради. Худди шунинг учун ҳам ашула тингловчиларга жуда катта завқ-шавқ ва лаззат бағишлайди. Ашулани ижро этувчи хонанда эса ўзини мусиқанинг сирли оламида эркин ҳис қилиб ва ана шу дақиқаларда ижодкорлигини сезиб, тингловчиларни санъат оламига олиб кириши билан эстетик ва маънавий қониқиш ҳосил қилади. Мана шу бир бутун иккита жараён ёш кўшиқчиларнинг маънавий ва эстетик тарбиясини амалга оширишда ёрдам беради.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. В. Викторов, М. Садовский. «Звонкие судьбы». М., «Просвещение», 1980, 7-бет.
2. И. К. Назаренко, Искусство пения, Музгиз, М.—Л., 1947, 141-бет.
3. Очерки истории Хорезмской музыки», М., 1923
- 4.«Ўзбек халқ музыкаси», V том. Тошкент, 1959).
5. Музыкальное образование в современном мире. М., «Советский композитор», 1973, 29-бет.
6. Мусурмонова. О. Нишонова.С, Қаршибоев.М., Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари (5- 9 синфлар учун дастур).- Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ меъроси, 2001.- 46 б.
7. Мусурмонова. О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси.- Тошкент: Ўқитувчи, 1996.- 5-6 б.
8. Мусиқа. 6- синф учун дарслик. Бегматов С., Мамиров Қ., Мансуров А., Каримова Д., Рўзиев И. - Тошкент: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. -13-17- б.
9. Мусиқа. 7-синф учун дарслик. Иброхимов О., Садиров Ж. - Тошкент: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.-
10. Мусиқа таълими ва маънавият Мақолалар тўплами. Тузувчи: Мамиров Қ. –Тошкент: Низомий номли ТДПУ, 1998.-50 б.
11. Навоий А. “Ҳамса”. - Тошкент: 1960, - 733 б.
12. Нажметдинов Г.М. Профнаправленность комплексной подготовки учителя музыки как основой фактор развития интереси к профессии у студентов муз. пед. ф-та.(Музыкальное обучения и духовность)-Т: ТГПУ им Низами.1998.- 40-42с.
13. Неъматов Р. Мусиқий меросимиз хазинаси. Совет Ўзбекистони санъати . 1998.- №1. - 28-бет.
14. Нишонова С. Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси. 13.00.01. п.ф.д. дисс.... Тошкент: 1998, -8-9-б.